

ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ХУДУДЛАРИ

*ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ*

АБДУЛХАЕВА ГУЛШАН МАХМУДОВНА

Терду “Туризм” кафедраси доценти, PhD

АННОТАЦИЯ

Мақолада тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ҳамда ушбу ҳудудлар қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда давлат дастурларининг вазифалари, ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлар борасида фикрлар баён этилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР

Иқтисодий фаолият, қишлоқ хўжалиги, фермер, ноанъанавий маҳсулотлар, концепция, экотизим, инфратузилма, ресурс, экология, мақсадли дастур.

КИРИШ.

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги кўплаб мамлакатлар учун муҳим масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 840 миллиондан ортиқ киши тўйиб овқатланиш имкониятига эга эмас. Бу жаҳон аҳолисининг деярли ҳар саккиз нафаридан бири демакдир²¹. Агар 2018 йилда дунё аҳолиси 7,6 миллиард кишини ташкил этган бўлса, 2050 йилга бориб, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, у 9,8 миллиарддан ошади, бу эса озиқ-овқатга бўлган талабнинг сезиларли даражада ошишига олиб келади²². Шу сабабли, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳудудлар салоҳиятидан, хусусан тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ушбу ҳудудлар имкониятларидан оқилона фойдаланиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Глобал иқлим ўзгаришига мослашган қишлоқ хўжалиги тизимини шакллантириш, ўсиб бораётганаҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳудудлар қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таъминлаш билан бирга ижтимоий-иқтисодий ва экологик барқарорликни сақлаш талаб қиланаётганлиги боис, бубутун жаҳонда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса, COVID –19 пандемияси шароитида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва истеъмол қилиш масаласи нафақат мамлакат ёки ҳудудҳамда соҳада, балки минтақа ва глобал кўламда долзарб вазифа ҳисобланади.

Ушбу ҳудудлар қишлоқ хўжалигини ўзига хос хусусиятлари ҳамда унинг мамлакат озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш ва аграр соҳа тармоқларини барқарор ривожлантириш омилларидан бири бўлиб қолишини таъкидлаган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришнинг стратегик йўналишларини белгилаш, мазкур ҳудудлар имкониятларидан оқилона ва самарали фойдаланиш йўллариини излаб топиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ҳозирги вақтда тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида нафақат минтақавий ва миллий даражада, балки дунёнинг бир қатор мамлакатларида ушбу ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва экологик нуқтаи назардан ҳам илмий-назарий, ҳамда амалий кўламда олим ва амалиётчилар томонидан ўрганилган. Жумладан, барқарор ривожланиш жиҳатларини Америкалик иқтисодчилар Лестер Р. Броун ва Кристофер Флейвинлар томонидан ўрганилган бўлса,^[1] П.Г.Абдулманапов ва М.А.Галбацдибировалар ўз тадқиқотларида тоғли ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва бу ҳудудлардаги демографик жараёнлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари масалаларини тадқиқ этишган ^[2].

Ю.И.Караев эса илмий тадқиқотларида тоғли ҳудудларни барқарорлигини таъминлаш орқали қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилган ^[3].

Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб БМТ томонидан (Атроф-муҳит бўйича Рио декларацияси, 6-тамоийл) экотизимлар, хусусан, “тоғли ҳудудларнинг барқарор ривожланиши” масаласи ҳозирги ва истиқболдаги муҳим вазифалардан эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган ^[4].

Тоғли ҳудудларни барқарор ривожлантириш борасида юқорида билдирилган фикр ва таклифларга қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, бизнингча, тоғ ва тоғолди ҳудудларининг агроэкологик жиҳатдан барқарор ривожланиши, аввало, табиий шароитнинг қулайлиги, ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиат муҳофазаси ва экологик вазият оптимал ҳолатда бўлиши ва шу асосда иқтисодий кўрсаткичлар юқорилиги каби омилларга боғлиқ. Тоғ ва тоғолди ҳудудлари агро-экологик ҳолатлари тавсифи, уларнинг ҳудудий жойлашуви, табиий-иқлим шароитлари, иқлим ўзгаришига таъсирчанлиги, тупроқ сифат кўрсаткичлари, ушбу ҳудудлардаги демографик ҳолат ва аҳоли бандлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш шароитлари ва йўналишлари кабилар билан тавсифланиб, уларни илмий ва назарий жиҳатдан ўрганилишини тақозо этади.

Тадқиқот объекти тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари, йўналишлари ва асосий босқичлари ҳисобланади. Тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари борасида иқтисодий ҳодисаларни ўрганишда тизимли ёндашув, мамлакатимиз ва хорижий олимлар назарий қарашлари, хориж тажрибаларини умумлаштириш асосида назарий ҳулосалар тайёрлаш методикаси бўлиб хизмат қилади.

Таҳлил ва натижалар. Республикада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар етиштиришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш жараёнлари ҳукумат томонидан кўплаб қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиниб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ташаббуси ва раҳбарлигида амалга оширилаётган республикаимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш мақсадида иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ҳудудларда мавжуд ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга, шунингдек, соҳага рақамли иқтисодиётни жорий этиш, “яшил иқтисодиёт”, “ақилли қишлоқ хўжалиги” ва “органик қишлоқ хўжалиги”ни ривожлантиришга устуворлик берилганлиги бежиз эмас, албатта.

²¹ <http://protoday.uz/uz/archives/239608>


²² <https://hordiq.uz/2019/07/22/top-10-aholisi-eng-kup-davlatlar/>

Бундай кенг қамровли ва истиқболли тадбирларни ташкилий-иқтисодий асослари мустаҳкамланиб, меъёрий-ҳуқуқий асослари жаҳон андозалари асосида такомиллаштириб борилаётганлиги аграр ислоҳотларнинг бугунги босқичида ўзгача хусусиятини намоён этмоқда.

Кейинги йилларда мамлакат қишлоқ хўжалиги соҳасига оид қатор янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган стратегик йўналишлар соҳада таркибий ўзгаришларни янада такомиллаштириш имконини бермоқда. Аммо, тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича узоқ муддатларга мўлжалланган стратегия ҳамда тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид қонуннинг мавжуд эмаслиги ушбу ҳудудларда табиий ресурслардан самарали фойдаланишга, соҳани ривожлантиришга оид инвестицияларни жалб этилишига, ишлаб чиқарувчилар юқори даромад олишига ва етиштирилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга тўсқинлик қилади.

Тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини давлат томонидан узоқ муддатли қўллаб-қувватлашни ривожлантириш стратегиясининг муҳим йўналишларини аниқлаб, бу борада аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ушбу стратегиядаги асосий устувор вазифалар доирасига тоғ ва тоғолди ҳудудларида қулай агробизнес муҳитини ривожлантириб, аҳолининг бандлик даражасини ошириш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш механизмини ишлаб чиқиш керак бўлади (1-расм).

Тадқиқот методологияси



8-расм. Тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш²³

Мазкур ҳудудларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи қонунчилик лойиҳалари ҳамда амалдаги қонунчилик, органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳуқуқуқий асослари ишлаб чиқиши лозим. Бу эса ушбу ҳудудларда қишлоқ хўжалиги имкониятларини баҳолаган ҳолда соҳани ривожлантиришни мақсадли дастурлар доирасида амалга оширилишини талаб этади.

Тоғ ва тоғолди ҳудудларини мақсадли дастурлар асосида ривожлантиришнинг вазифалари тармоқлараро хусусиятга эга бўлиб, мавжуд муаммоларни ўз ичига олиши ва бунда, хусусан, қишлоқ хўжалиги корхоналарини модернизация қилиш, инфратузилмалари, асосий фондларни янгилаш ва ҳудудни мослашувчан техника билан таъминлаш, кўплаб янги иш ўринлари яратиш ва мавжуд салоҳиятни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши тоғ ва тоғолди ҳудудлари аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва иш билан таъминлашга, уларнинг ҳаёт сифатини оширишга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга ёрдам беради. Натижада республика тоғ ва тоғолди ҳудудларининг инвестицион муҳити сезиларли даражада яхшиланади, сармоядорлар ва сайёҳлар учун жозибадорлиги ошади.

Дастурни ишлаб чиқишда ушбу ҳудудлар қишлоқ хўжалигининг ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш (ҳудудий хусусиятлари, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий аҳвол, меъёрий-ҳуқуқий база, экологик ҳолат, ресурс салоҳияти ва ундан фойдаланиш даражаси ҳамда ҳудуд ва тармоқни инновацион ривожлантириш имкониятлари ва бошқалар) га ҳам эътибор қаратилиши зарур.

Жаҳон тажрибаси далолат беришича, тоғ ва тоғолди ҳудудлари табиий ресурсларидан фойдаланиш ва ушбу ҳудудларнинг мувозанатланган ҳолда ривожланишини таъминлаш ва экологик барқарорлик ҳамда био-хилма-хиллигини сақлаш билан боғлиқ муносабатлар ҳар бир мамлакатда “Тоғ ҳудудлари тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Демак, республикамизда ҳам тоғ ва тоғолди ҳудудлари табиий ресурсларини бут сақлаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш асосида ушбу ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлашга йўналтирилган муносабатларни тартибга солиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг тоғли ҳудудлари тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Таклиф қилинаётган қонуннинг қабул қилиниши билан тоғли ҳудудлар таснифи ҳуқуқий мақом олиб, табиий хусусиятлари қонун доирасида тавсифланадики, шу асосда аҳолининг бекаму кўст ҳаёт кечириши, соғлом бўлиши ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиши учун шароит яратишни таъминловчи экотизим меъёрий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўз тасдиғини топади.

Ушбу қонун давлатнинг тоғли ҳудудлар борасидаги сиёсатини юритишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиш билан бирга, ушбу ҳудудларнинг ривожланиши давлат томонидан тартибга солиб турилишини таъминлайди. Фикримизча, ушбу қонун тоғли ҳудудлардан фойдаланганда унинг қайси ҳудудлардан фойдаланиш тўловли ёки тўловсиз бўлишини, тўловлар мезони ва ҳажмини, фойдаланиш йўналиши ва усулларини белгилаб бериши лозим. Унда, тоғли ҳудудларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга устуворлик бериш, барқарор ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, уларнинг иқтисодий-ишлаб чиқариш ва экологик асосларини ҳимоялаш, табиий ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, бу ҳудудлар табиий ресурсларига салбий таъсир кўрсатмасдан, уларнинг бутлиги ва барқарорлигини таъминлаш асосида тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш каби тамойиллар ўз аксини топиши зарур.

²³ Тадқиқотлар натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган

Шунингдек, тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ушбу ҳудудлар ҳаёт ва иқтисодий фаолият сифатида давлат томонидан қўллаб-қувватланишга муҳтож. Бунда хилма-хил ва динамик иқтисодиёт, замонавий ижтимоий инфратузилма ва аҳолини қўллаб-қувватлаш ва ривожланиш белгиланган мақсадлар асосида амалга оширишни талаб этади. Бу эса, тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг куйидаги устувор йўналишларни қамраб олиши керак.

1. Тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигида, айниқса, чорвачиликда умумий фаолият учун шароитни яхшилаш:

ушбу ҳудудлар қишлоқ хўжалигининг рентабеллиги ва инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари ва механизмларини такомиллаштириш, соҳани техник ва технологик модернизация қилиш;

ер ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш;

кредит олиш имкониятларини ошириш ва суғурта соҳасида ҳамда лизинг бозорида рақобатбардош тамойилларни кучайтириш;

тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги учун кадрлар билан таъминлаш, уларни жалб қилиш, қўллаб-қувватлаш, ўқитиш уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш;

тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи барча тоифадаги субъектларнинг молиявий барқарорлигини ошириш.

2. Тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан:

тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги демографик ҳолатни яхшилаш ва маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

тоғ ва тоғолди ҳудудларида ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш;

тоғ ва тоғолди ҳудудлари аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш ва ободонлаштириш.

Тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишлоқ хўжалиги технологияларини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини ошириш:

замонавий технологиялардан фойдаланишга рағбатлантириш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш, меҳнат, менежментни ташкил қилишни такомиллаштириш;

тоғ ва тоғолди ҳудудларида насилли чорвачиликни кўпайтиришни таъминлаш;

тоғ ва тоғолди ҳудудларида экинларни етиштиришда интенсив технологияларни ривожлантириш, юқори ҳосилдор навлар етиштириладиган қишлоқ хўжалик майдонларини кенгайтириш.

Хулоса. Шундай қилиб, тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётида ўзига хос хусусиятлари билан алоҳида ўрин тутади. Шу сабабли, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишларини, давлат дастурларининг вазифаларини, устувор миллий лойиҳаларни амалга ошириш тоғ ва тоғолди ҳудудлари қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, соҳа самарадорлигига эришиш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун реал зарурият, деб ҳисобланиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Лестер Р. Браун и др. Устойчивое развитие общества. // XX век. Последние 10 лет.

2. Абдулманапов.П.Г., Галбацдибирова. М.А. Современные исследования социальных проблем (электронный научный журнал), Modern Research of Social Problems, №5(49), 2015 www.sisp.nkras.ru. 689-стр.

3. Караев.Ю.И. “Устойчивое развитие муниципальных сельских поселений — основа устойчивого развития горных регионов” «Международный электронный журнал. Устойчивое развитие: наука и практика» www.yrazvitiye.ru вып. 2 (15), 2015, ст. 20

4. Рио-де-Жанейрская декларация по окружающей среде и развитию Принята Конференцией ООН по окружающей среде и развитию, Рио-де-Жанейро, 3–14 июня 1992 года.https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/riodecl.shtml